

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**



**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ  
ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**2023**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**



**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ  
ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**2023**

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган “Илмий тадқиқот методологияси” курси бўйича I босқич барча мутахассисликлар магистратураси учун тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатма моҳиятан янгича руҳда, ижодкорлик ва креативлик мезони асосида баён этилган.

Услубий кўрсатма магистрларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг онги, шуури ва тафаккурида танқидий фикрлаш ҳамда ижодий фаолиятни ривожлантириш, манбаларни ўрганиш, пухта ўзлаштириш, илмий далиллар тўплаш, уларни қайта ишлаш, тизимга солиш, ретроспектив қиёсий таҳлил қилиш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш, илмий асарлар яратиш малакаларини ривожлантириш, магистрлик диссертациясини мустақил ёзиш кўникмасини эгаллашларида амалий ёрдам беради.

Услубий кўрсатма магистрлар, ёш педагоглар, тадқиқотчилар, магистрлик диссертациясини тайёрлашга доир билимларни эгаллаш истагидаги китобхонларга мўлжалланган.

Исақова З.Р. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатма. – Наманган, 2023. – 64 б.

## **Тақризчилар**

**Бахтиёр Тўраев**

**фалсафа фанлар доктори, профессор**

**Қодирқул Рўзматзода**

**фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор**

Услубий кўрсатма Наманган давлат университети Кенгашининг 2023 йил 25 апрелдаги 9-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ



Мамлакатнинг инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ”<sup>1</sup> бўлиб, XXI асрдаги глобал жараёнларда ҳар бир соҳа мутахассисининг илмий тадқиқотнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиши ва эгаллаган билимларини амалиётга татбиқ этиши долзарб аҳамиятга эгадир. Илмий тадқиқот изланувчининг ўзи ва атрофидаги воқеа-ҳодисалар, жараёнлар ва ўзгаришларни англаб етишга тайёр туриш, янгича тафаккур қилиш асосида креатив фикр юрита олишдир. Унинг натижаси илмий билимларда акс этади.

Илмий изланиш илмий тадқиқотнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, изланувчининг ижодкорлиги, матонати, фидойилиги, масъулияти, кўзланган мақсадга қатъият билан интилиши акс этади. Бунинг учун тадқиқотчи илм-фаннинг долзарб муаммоларидан хабардор бўлиши, мустақил фикрлаши, билимдон бўлиши, янгиликларни тез ўзлаштирадиган бўлиши лозим.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини инновацион ривожлантириш йўлига ўтилмоқда. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган интеллектуал даврда янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Зеро, инновация келажак дегани<sup>2</sup>. Ўзбекистон буюк

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 168.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20.

келажани барпо этишни бугундан, айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлаши керак. Қачонки илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, молиявий ресурсларни етарлича сафарбар этиш, иқтидорли ёшлар банкини шакллантириш, ижодий ғоя, лойиҳа ва илмий ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳукумат даражасида ҳал этилса, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган янгича ёндашувларга йўл очилади.

Ҳозирги кунда, бир томондан, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда интеграциянинг ихтисослашуви жараёнида таълим тизими ислоҳотларини узлуксиз такомиллаштириш талаб этилса, иккинчи томондан, мутахассислардан чуқур билим, илмга ташналик, фидойилик, теран фикр, ахборот технологияларини билиш, замонавий билимлардан баҳраманд бўлиш заруриятини келтириб чиқаради. Сир эмаски, илмий тадқиқот ишларидаги кўчирмачилик, магистрлик ишларидаги юзаки таҳлил, аниқ факт ва далилсиз, манбасиз “қуруқ” ва “сохта” баёнчилик каби салбий ҳолатлар магистрларнинг тадқиқотчилик маҳоратини мукамал ўзлаштиришларини талаб этади.

Услугий кўрсатма ёзиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш ўринлики, амалдаги олий таълим тизимида магистрлик даражаси мақомига кўра бакалавр даражасидан кейин ва PhD даражасидан олдинги ўринда туради. Магистрлик академик даража бўлиб, илмий ходимга хос бўлган қобилият ва малака жамланган таълимий даражани акс эттиради. Магистрлик илмий тадқиқот ишига илк қадамдир.

Услугий кўрсатма магистрлик диссертацияси мавзусини тўғри танлаш, мавзунинг моҳиятини аниқ ифодалаш, тадқиқотнинг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини

белгилаш, илмий асослашга хизмат қилади. Шу билан бирга, тадқиқот муаммосини замон талабларига мос танлаш, мавзу юзасидан илмий фаразлар қилиш, тадқиқот мақсадини белгилаш ва вазифаларини қўйиш, тадқиқот услубини танлаш, режа тузиш, боблар ва ҳар бир боб юзасидан хулосаларни шакллантиришнинг оқилона йўлларини ўргатади. Тадқиқотнинг идеал сарҳисоби намунали тартибда белгиланса, қуйидагича ифода этади:

1. Кириш 15%. Бўлажак диссертациянинг тахминий тузилмаси, яъни тадқиқотнинг муаммоси, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг аҳамияти, замини ва асослари мужассами.

2. Адабиётлар шарҳи 40%. Мавзуга оид мавжуд билимларни баҳолаш, назарий асослар, тадқиқотнинг муаммоси ва олиб чиқилган фаразлар.

3. Методология 40%. Парадигмани аниқлаш, тадқиқот услубиёти ва усулларни танлашни асослаш.

4. Хулоса ва таклифлар 5%. Кутилаётган натижалар ва хулосавий мулоҳазалар.

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тайёрлашда “Илмий тадқиқот методологияси” фани дастури талаблари, мавзу ва режа саволларига асосланилди. Шунингдек, услубий кўрсатмани янада ўқимишли ва манфаатли бўлишини таъминлаш мақсадида фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Шермухамедованинг “Илмий тадқиқот методологияси”<sup>3</sup> ҳамда И.Саифназаров, А.Мухтаров, А.Бобоевларнинг “Илмий тадқиқот методологияси”<sup>4</sup> ўқув-услубий қўлланмаси истифода этилди.

---

<sup>3</sup> Шермухамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. Дарслик. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2021. – 512 б.

<sup>4</sup> Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2022 – 132 б.

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА



Диссертация (латинча тадқиқот, мулоҳаза) муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида илмий раҳбар назоратида муайян вақтда оралиғида

тайёрланадиган, оммавий муҳокама қилинадиган ва ҳимояга қўйиладиган асар.

Магистрлик диссертацияси магистрларни тайёрлаш бўйича асосий касбий таълим дастурига ўқитишнинг якунловчи босқичида магистрант томонидан илмий раҳбар етакчилигида ва бевосита мустақил бажариладиган илмий ишдир.

Магистрлик диссертацияси ўқув-тадқиқотчилик иши сифатида номзодлик (PhD) ва докторлик (DSc) ишидан жиддий фарқ қилади. Иш ҳимоя қилинганидан сўнг “магистр” деган академик (илмий эмас) даражаси берилади.

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагича:

📖 магистрант томонидан ҳимояга олиб чиқилаётган натижалар илмий қоидалар мажмуини ўз ичига олиши, ички алоқадорликка эга бўлиши;

📖 муаллифнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини қўллаб мустақил илмий изланиш олиб бориш, касбий муаммоларни кўра олиш, тадқиқот вазифаларини ва уларни ҳал этиш услубларини ифодалаш қобилияти ҳақида далолат бериши;

📖 назарий тадқиқотлар натижалари, илмий муаммоларни ҳал этишга нисбатан янгича методологик



ёндашувлар, шунингдек, амалий вазифалар ечимини ифодалаш лозим.

Магистрлик диссертацияси ишини бажариш босқичлари:

I босқич. Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик: йўналиш олиш ва муаммоларни белгилаш:

⊗ Объект соҳаси, объект, тадқиқот предметини белгилаш;

⊗ мавзу танлаш;

ва муаммонинг долзарблигини асослаш;

⊗ илмий адабиётларни ўрганиш ва мавзунини аниқлаштириш;

⊗ фараз (гипотеза) ташлаш;

⊗ тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш.

II босқич. Тадқиқот методологиясини белгилаш. Режалаштирилган ишлар:

⊗ тадқиқот услуби, методологиясини танлаш ва уни асослаш;

⊗ мавзунинг тадқиқот чегарасини белгилаш;

⊗ тадқиқотнинг ўтказилишини режалаштириш;

III босқич. Тадқиқотнинг ўтказилиши.

⊗ тадқиқот материалларини йиғиш, тажриба, кузатиш, экспериментлар вақтини аниқлаш;

⊗ тадқиқот юзасидан тўпланган маълумотларни тизимга солиш, таснифлаш;

⊗ маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, талқинлаш, хулоса қилиш;

⊗ тадқиқот жараёнида олинган хулосаларни илгари мавжуд бўлган билимлар ва маълумотлар билан солиштириш.

IV босқич. Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш.

Амалга ошириладиган ишлар изчиллиги:

⊗ магистрлик диссертациясини тасдиқланган шаклга мувофиқ тузилма ва расмийлаштирилишга қўйилган талабларга кўра ёзиш.

V босқич. Тадқиқот натижаларининг тақдимоти ва ҳимояси.

⊗ Магистрлик диссертациясини ёзиш ва ҳимоя қилиш талабларига мувофиқ магистрлик ишини тақдим этиш.

Магистрлик диссертациясини тайёрлашда кутиладиган аниқлик мезонлари:

Тадқиқот муаммосини аниқлаш

Мақсадни аниқлаш

Асосий тадқиқот саволларини аниқлаш

Тадқиқот стратегиясини аниқлаш

Тадқиқот усулларини танлаш ва муҳимларини аниқлаш

Кутилаётган натижаларни аниқлаш

Вақт графигини тузиш

Режа-асосномани ёзиш

## ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ ҚОИДАЛАРИ



Илмий мавзу ечимни талаб этадиган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик ишининг мавзуси муайян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлади.

Илмий йўналиш тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи бўлса, илмий муаммо сирасига илмий-тадқиқотчилик иши мавзусини белгилайдиган мураккаб назарий ва амалий вазифалар киради.

Муаммолар хусусий (тармоқ), умумий (тармоқлараро) ва энг умумий (глобал) бўлади.

Магистрлик иши мавзусининг турлари:

а) назарий мавзулар. Бу мавзулар, асосан, адабиётлар манбаларидан фойдаланган ҳолда, қиёсий ва герменевтик таҳлил асосида ишлаб чиқилади;

б) амалий мавзулар. Бу мавзулар хўжалик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилади;

в) аралаш мавзулар. Бу мавзулар тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олади.

Тадқиқот мавзусининг ўзига хослиги:

☞ фан ёки амалиётнинг шу йўналишига янгилик олиб кириши керак;

☞ шу соҳа муаммосини қўйиши керак. Тадқиқотнинг қайси ташкилот мисолида ўтказилганлигини аниқ кўрсатиши керак.

## МАВЗУ ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ



Илк қадам мавзу юзасидан ва мавзуга яқин илмий соҳадаги ютуқлар шарҳини синчиклаб ўрганиш тадқиқот мавзусини танлаш ва ифодалаш йўлидир.

Иккинчиси, такрорлаш тамайили (объект ҳақидаги мавжуд билимларни аниқлаштириш, кенгайтириш ва билимларни текшириш) амал қилиш илмий иш мавзусини танлашнинг оқилона усули.

Учинчиси, изланувчанлик тадқиқотчининг дастлабки манбалар билан танишуви, мавжуд муаммолар таҳлили асосида мавзунинг ифодалаш усули.

Тўртинчиси, мавзу танлашнинг юқори босқичи, мавжуд тадқиқотларни назарий умумлаштиришдир.

Бешинчиси, фанда илгари сурилган фаразлар мавзунини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олтинчиси, мавзу “табiiй” шароит, ижодий мулоқот жараёнида кашф этилиши мумкин.

## ФАРАЗ – МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ ТАДҚИҚОТ УСУЛИ



Фараз (гипотеза – асос, тахмин) олдиндан ўрганилган факт, ҳодиса ва жараённинг муайян турига асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши кутиладиган назарий тахмин бўлиб, тадқиқотчи муаммога дуч келиши билан унинг мияси уни ҳал қилиш усуллари қуриш, яъни турли фараз кашф қилишга киришади. Бундан тадқиқот фарази бевосита кузатилаётган ҳодиса, ўрганилаётган ҳодисанинг тузилиши ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар хусусияти ҳақидаги илмий асосланган тахмин, деган хулоса келиб чиқади.

Фараз мавжуд фактлар асосида туғилади. Хулоса сифатидаги фараз туб илдизга эга бўлиб, фикрнинг бевосита кузатилаётган ҳодисадан унинг сабабли изоҳланишигача бўлган ҳаракат ифодасидир. Фараз уни яратиш учун асос бўлган ва асосланиши учун яратилган фактга мувофиқлиги, текширилувчанлиги, ҳодисалар доирасига нисбатан қаралиши, соддалиги, мазмунида муаммони ҳал этиш усуллари ва натижалари ҳақидаги тахминнинг мавжудлиги, воқеликка мантиқан зид келмаслиги, фараз натижага йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Диссертациянинг назарий бўлимини муайян базавий фараз негизида қурилиши ишни мантиқий далиллаш, ишончли муаллифларга таяниш, амалиётга ва масала тарихига мурожаат этиш йўли билан асослайди.

Тадқиқотчи бирор фаразни илгари сурган бўлса, эмпирик маълумотлар уларни текшириш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун хизмат қилади. Агар аввал-бошидан

фаразлар илгари сурилмаган бўлса, тадқиқотнинг илмий даражаси кескин пасаяди, натижалар ва умумлашмалар у ёки бошқа индикаторларнинг фоизли ифодалари баёнлари ва аҳамиятсиз тавсиялардан иборат бўлади.

Фаразни илгари суриш қоидалари:

фараз ўзи тегишли бўлган фактлар билан келишган бўлиши, ёки ҳеч бўлмаганда, уларга мувофиқ бўлиши керак;

фактларни изоҳлаш учун илгари сурилган бир-бирига зид бўлган фаразлар ичида шу фактларнинг энг кўпини бир хилда изоҳлайдигани мақбулдир;

фактларнинг боғланган туркумини изоҳлаш учун камроқ фаразларни илгари суриш ва улар имкони борича маҳкамроқ боғланган бўлиши керак

фаразларни илгари суришда хулосаларнинг эҳтимолли ҳолатини идрок этиш зарур;

бир-бирига зид қўйилган фаразларга асосланиб иш қилиш мумкин эмас.

Фараз қуриш техникаси:

келтирилган фактлар доирасини изоҳловчи сабаб ҳақидаги тахмин тузиш;

йўл қўйилган сабаблардан оқибатларни ажратиш ва тажрибадаги маълумотлар билан қиёслаш;

фаразнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишига олиб борадиган қоидаларни текшириш;

тасдиқлаш учун унинг эмпирик маълумотларнинг ўхшашлари билан муросага келиш;

инкор қилиш учун тажрибага мос тушмаган бир фактнинг ўзини етарли, деб ҳисоблаш.

## ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ



Диссертация мавзуси тадқиқот ўзагини ташкил қилувчи инновациялар ва оригиналликнинг муҳим хусусиятларини акс эттиради.

Тадқиқотнинг мақсади тадқиқотчининг муайян соҳадаги изланишларини яқунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир. Муаммонинг ечими магистрант ишининг мақсади сифатида кўриб чиқилади.

Мақсад тадқиқотнинг характери, бориши ва вазифаларини белгиловчи ўзига хос охирги сабабдир. Тадқиқот тузилишининг аниқ мақсадга бўйсундирилиши унинг мантиқийлигидан келиб чиқади.

Тадқиқотнинг вазифалари илгари сурилган фаразга мувофиқ мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир. Бу вазифаларнинг қўйилиши тадқиқот мақсадининг кичик мақсадларга бўлинишига асосланади. Вазифаларнинг санаб ўтилиши унчалик мураккаб бўлмаган вазифалардан энг мураккаб, кўпроқ меҳнат талаб қиладиган вазифаларга томон юриш тамойили бўйича қурилади. Уларнинг сони тадқиқотнинг теранлиги билан белгиланади.

Илмий тадқиқотнинг типик вазифалари:

- тадқиқ қилинаётган ҳодисани баён қилиш
- сабаблар ва шартларни аниқлаш
- сабабларни изоҳлаш
- тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг таснифини қуриш
- қонуниятни аниқлаш ва асослаш
- мазмунни тушуниш ва изоҳлаш

- аниқланган, баён қилинган ва изоҳланган ҳодиса учун ном бериш (янги атамани илмий муомалага киритиш).

Диссертация тадқиқоти вазифалари қўйилишининг таркибий тузилиши.

Мавжуд вазиятдаги ҳолатни қандай ўзгартиришни билмаган, бунга ҳеч ким ёрдам бера олмайдиган ҳолда уни ўзгартириш юзасидан кучли хоҳиш-истак пайдо бўлишида ифодаланади (маълум технологиялар хоҳлаган самарага эришишга имкон бермайдиган ҳолда техник ёки маъмурий зиддият даражасида эмпирик факт ёки таъсир кўрсатиш натижасини башорат қилишни изоҳлаш зарур бўлганида эҳтиёж пайдо бўлади).

Илмий тадқиқотни ўтказишга бўлган эҳтиёж:

илмий тадқиқот маълум ва ҳамма томонидан қилиниши мумкин бўлса, тадқиқотни такрорий ўтказиш талаб этилмайди. Марказий илмий, кўпинча илмий-оммавий нашрлар бўйича батафсил таҳлил ўтказилганидан кейин ва шунга ўхшаш ечимлар топилмаганида оригинал ечимни топиш учун тўлиқ илмий тадқиқотни ўтказиш бўйича режа тузиш керак бўлади.

Илмий тадқиқот мақсадларининг белгиланиши ва жой-жойига қўйилиши:

мақсад эҳтиёж маҳсули. Аниқ ифодаланган эҳтиёж мақсадни белгилайди.

Илмий тадқиқотни ўтказишда асосий мақсад шу мақсаддан келиб чиқадиган, жами бўлиб илмий-техник ишга сингиб кетадиган кичик мақсадларга бўлиниб кетади. Мақсадлар ўз ўринларига тўғри жойлаштирилса, ҳар бир мақсад жой-жойига тушади ва илмий изланишда муайян тизим, изчиллик ҳосил бўлади.

Тизимлилик илмийликнинг муҳим белгиларидан бири. Билимнинг илмий тизимга солиниши тўлиқликка интилиш,



бир тизимга солишликнинг асослари ва уларнинг зиддиятли эмаслиги ҳақидаги аниқ тасаввур билан тавсифланади.

Бир тизимлилик тадқиқот предмети ва объектини таснифлаш маҳорати орқали амалга оширилади.

Таснифлаш тадқиқотни тизимлаштириш билан бирга, диссертант ишлаб чиқаётган илмий нуқтаи назарни аниқ белгилайди.

Шартлар ва чеклашларнинг белгиланиши илмий вазифани ҳал этиш имконияти ва реаллигини объектив баҳолашга имкон беради. Чеклашлар, шартлар, бошланғич маълумотлар ҳатто фантастик лойиҳани ҳам илмий вазифага айлантиради.

Чеклашлар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: замон, моддий, ахборотчилик, энергетик. Шартлар ва чеклашлар магистр илмий изланишининг энг чуқур мазмунигача етиб бориб, айнан унинг нуқтаи назари, услубиёти, тадқиқот тузилмаси, технологияси, конструкциясини бошқа тадқиқотчилардан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш мумкин бўлади.

Илмий тадқиқот вазифаларининг белгиланиши.

Илмий тадқиқот вазифалари макон ва замондаги моддий воситалар, энергия ва ахборотлардаги айрим бошланғич маълумотлар, чеклашлар ва шартлардаги тадқиқот мақсадларидан иборат бўлади.

Бўлғуси диссертация пойдевори материал йиғиладиган муаммоларга мувофиқ қуйидаги қисмларга ажратилади: таҳлил, назария, синов, амалиёт.

## МАВЗУ ТАНЛАШ – ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ УСТИДАГИ ИШНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ



Мавзу танлашни белгиловчи омиллар:

☞ магистрлик диссертацияси мавзусини кафедра белгилайди;

☞ мавзу тадқиқотнинг функционал йўналиш инъикоси;

☞ мавзу магистрантнинг қобилияти, билими, қизиқишининг очилишига имкон бериши керак.

Тадқиқот характерига кўра, назарий ва амалий тадқиқотга ажратилади.

Назарий тадқиқот соф илмий, лекин кўп йиллар учун илмий изланишнинг истиқболли ва самарали назарий-стратегик йўналишидир.

Амалий тадқиқот касбий фаолиятнинг муайян соҳасида кейинчалик муваффақиятли ишлаш учун унинг қандайдир йирик муаммосини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Диссертация иши натижаларининг ўзига хослиги:

1) билимнинг тегишли тармоғи учун муҳим аҳамиятга эга вазифанинг янгича ечими берилганлиги;

2) магистрант бажарган илмий асосланган, муҳим амалий вазифалар ечимини таъминлайдиган фан соҳасидаги ишланмалар таҳлили баён қилинганлиги;

Диссертация иши мақсадига кўра қуйидаги тадқиқотлар типларига ажратилади:

1. Умумлаштирувчи. Муайян соҳаларда ташкил этиш соҳасида тўпланган тажрибаларни ўрганиш, илғор амалиётни умумлаштириш, ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш анъаналарини аниқлаш, турли жараёнларнинг илмий башоратларини илгари суриш. Умумлаштирувчи

тадқиқот типининг кўп тарқалган, мураккаб бўлмаган тури сифатида тадқиқотнинг турли объектларидан фойдаланган ҳолда мавзу доирасида кўплаб вариантлар тузишга имкон беради.

2. Оммалаштирувчи. Айрим фанлар (кичик тармоқлар, тармоқлараро, глобал) тажрибасини бошқа фанларда фойдаланиш имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш. Оммалаштирувчи тадқиқот типининг ўзига хос хусусиятлари “сифатли бажариш шарти – амалиётни яхши билиш” шиорида акс этади.

3. Новаторлик. Амалиётга тегишли тавсияларни бериш мақсадида янги, яна ҳам замонавий кўринишда экс этган муаммоларнинг илмий ишлаб чиқиши. Новаторлик тадқиқот типининг ўзига хос хусусиятлари қўйилган саволларга жавоблар илмий-назарий манбаларда акс этмаган, амалиёт эса зарур тажрибани энди орттираяпти. Айнан шу жиҳатдан новаторлик тадқиқот типининг тадқиқотчидан юксак назарий тайёргарлик, амалиётни яхши билиш, янги ғояларни илгари суришда жасорат талаб қилади.

4. Чуқурлаштирувчи. Бу тадқиқот типининг аниқ ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, фалсафий-сиёсий категориялар ва жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар чуқурлаштирилади. Бу тадқиқот типининг ўзига хос хусусиятлари муайян фан категориялари ва жараёнларининг адабиётларда тўла ёритилмаган ва амалиётда тўлиқ акс этмаган айрим жиҳатларини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Тадқиқотда қўйилган муаммо характери ишнинг мураккаблик даражани белгилайди.

5. Назарий-методологик. Умумназарий концепциялар, методологик муаммоларнинг ишлаб чиқиши билан боғлиқ мазкур тадқиқот типининг магистрлик тадқиқоти даражасида

кам оммалашган, яъни тадқиқотчи ривожланган назарий тафаккурга эга бўлиши керак.

6. Эмпирик. Муайян фан доирасидаги тажрибанинг тадқиқи ва таҳлили билан боғлиқ бўлиб, фан соҳасидаги илғор тажриба, далилланган ва исботланган амалиёт марказий ўринни эгаллайди. Эмпирик мавзулар йўл-йўлакай, “табiiй” шароитда, илмий ёки ижодий мулоқот жараёнида ҳам кашф этилади.

Магистрлик иши магистрантнинг икки йиллик ўқиш даврида олган назарий ва амалий билимлари, таълим дастурларини ўзлаштириш натижалари, магистр бажарган илмий-тадқиқотнинг якуний ифодаси бўлгани учун магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар мазмунан жиддий аҳамиятга эгадир. Ҳар қандай диссертацияда муайян илмий янгилик, янги илмий-назарий хулосалар, муаммонинг янги ечимлари келтирилиши ва тадқиқот жараёнида ўтказилган тажриба-синовлар ўз исботини топган бўлиши шарт.

Магистрантлар диссертациясининг намунавий мавзулари кафедраларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув йили бошланишигача тузиб чиқилади ва тасдиқланган форматда магистрларга тақдим этилади. Диссертация мавзулари бўйича вазирликлар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, компаниялар, йирик корхоналар берган буюртмалар ҳам инобатга олинади. Мавзулар буюртмачилар билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректорати томонидан тасдиқланади.

Диссертация мавзуси долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифа ечимига бағишланган, шунингдек, мутахассисликка мос бўлиши лозим. Диссертацияга илмий раҳбарлик олий таълим муассасаси профессори, фан доктори, доценти ёки фан номзоди, илмий

марказлар ходимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилари томонидан амалга оширилади.

Диссертация мавзуси ва диссертацияга илмий раҳбар талабанинг диссертация мавзусини тасдиқлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш тўғрисидаги аризаси ҳамда тегишли кафедра тақдимномасининг факультет илмий кенгаши томонидан кўриб чиқилиши натижасига кўра, биринчи ўқув йилининг октябрь-ноябрь ойларида олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан расмийлаштирилади. Диссертацияга магистр ўқиётган олий таълим муассасасидан бошқа ташкилотлардан илмий раҳбар тайинланган ҳолда, кафедра мудири томонидан кафедра аъзоларидан илмий маслаҳатчи этиб тайинланади. Профессор ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган устозлар бештагача, шунингдек битта доцент, фан номзоди, мутахассис ёки амалиётчи уртагача диссертацияга раҳбарлик қилиши мумкин.

Диссертация мавзулари тасдиқланиб, илмий раҳбар тайинлангандан сўнг бир ой муддатда улар ҳақидаги маълумот магистрлар фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзуларининг қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Мавзу танлашдаги амаллар:

∑ Мавзуни танлашда илмий раҳбар билан маслаҳатлашиш. Илмий раҳбар зиммасидаги вазифалар:

© магистрнинг иш режасини тузишда ёрдам бериш;

© магистрга маслаҳат кунини белгилаш учун тизимли жадвал тузиш;

© тадқиқот услубларини танлаш ва уларни қўллашда магистрга кўмаклашиш;

© магистр томонидан иш режани бажарилишини назорат қилиш ва ишни баҳолаш;

© дастлабки ҳимоя санасидан камида уч кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш;

Σ Ҳимоя қилинган диссертациялар банкининг илмий кутубхонадаги ёки маълумотлар базасидаги каталогни қайта кўриб чиқиш.

Σ Фан ва техниканинг ўхшаш ёки ёндош соҳаларидаги тадқиқотларнинг энг янги натижалари билан танишиш. Айрим ҳолатларда иккита илмий фан туташган жойда инновацион мавзу келиб чиқади.

Σ Муаммони кўриб чиқишнинг методологик ракурсини янги методологияга ўзгартириш ёки бошқа фан методологик тамойили асосида кўриб чиқиш. Янгича нуқтаи назар ҳар қандай бирламчи илмий ишланма мавзуси бўла олади.

Σ Ўз илмий ихтисослиги бўйича адабиётларни ўрганиш: илмий матбуот, махсус нашрлар, интернет сайтларини кўриб чиқиш, фан классиклари асарлари устида мушоҳада юритиш (“шўнғиш”).

Магистрлик диссертациясининг мавзуси ва илмий раҳбарнинг ўзгартирилиши магистрнинг уларни ўзгартириш сабаблари асослангилган ёзма аризаси асосида олий таълим муассасанинг ўқув-услубий кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Диссертация мавзусини ўзгартиришда илмий раҳбарнинг розилиги ҳисобга олинади. Ўзгартирилган диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тўғрисидаги маълумот бир ҳафта муддатда магистрнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзусининг қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ МАВЗУСИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, ЯНГИЛИГИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ



Диссертация мавзусининг долзарблиги унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги ифодаси бўлиб, долзарблик, фанда, кўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига сиғмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятлар мавжудлиги билан белгиланади.

Мавзунинг долзарблиги диссертация тадқиқоти сифатидаги илмий тадқиқотга нисбатан асосий талаб бўлиб, янгилик, жамият ҳаёти билан боғлиқлик, етилган зиддият, аниқлик ва шаффофликни талаб этади.

Мавзунинг долзарблигини асослашда учрайдиган камчиликлар:

а) мавзунинг асоссиз кенглиги, мавзунинг мавҳумлиги. Қайси фан соҳаси бўлмасин, назарий ёки амалий ёки табиий, мавзу доираси қанчалик катта бўлса, тадқиқотчи шунчалик “мавҳум”лик остида қолади. Ҳаддан ташқари кенг доирадаги мавзуни танлаш бемаънилик бўлиб, у илмий тадқиқот иши учун ярамайди. Шунинг учун магистрлар бирмунча торроқ мавзуни танлашгани маъқул.

а) мавзунинг муаммолилик даражаси. Муаммолилик ўқув иши (реферат, курс ёки диплом иши) учун бўлиши мумкин (масалан, “Раъногулдошлар оиласи”, “Демократия ва сайловлар”, “Тинчлик протоколлари”, Алгоритмлар устида гипердинамик амаллар”), лекин унинг номланишида муаммо акс этмаган. Мавзунинг муаммолилик даражасида соғлом

тенденция бўлиши керакки, ҳам мавзунинг ўта қизиқарлилиги, ҳам инновацион иш эканлиги, ҳам бугунги кун учун заруриятга айланиши акс этсин.

Илмий тадқиқот иши учун аниқроқ ва тадқиқотчининг ўзи учун мақбул келадиган мавзу танлаган маъқул. Аниқланган мавзуга мувофиқ аниқ-равшан ифодаланган мақсад шакллантириш осонлашади.

Тушунчаларнинг аниқлиги. Мавзунинг номланиши қанчалик кўп сўзлардан таркиб топган бўлса, мавзунинг “шираси” йўқолади. Айрим ҳолатларда мавзуда айнан битта сўзнинг икки ёки уч марта такрорланиши тадиқотчининг сўз танлаш салоҳияти “ўтмас”лиги, илмий раҳбарнинг ўз устозлик мавқеига масъулиятсизлиги, кафедралар кесимида мутасаддиларнинг бепарволиги ва эътиборсизлигини кўрсатади.

Мавзунинг номланишида синоним ва омоним сўзларни ишлатишда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Бир сўз икки марта омоним сўз мисолида истифода этилса ҳам, “маънолар маъноси” ўзгармайди ва “таҳлиллар таҳлили” ўз кучини йўқотади.

Мавзунинг номланиши қанчалик лўнда, қизиқарли ва тушунарли бўлса, мавзу устида ишлаш ҳам шунга яраша бўлади. Масалан, “Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги ўзига хос жиҳатлар”, “Футувватнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили”, “Алишер Навоийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари” каби номланиши ортиқча мунозарага ўрин қолдирмайди.

Ўта узун ва ўта қисқа ном идрок савиясини пасайтиради. Шунинг учун магистрант аниқлик ёки қисқаликни танлаши, яхшиси эса ҳар иккаласини ҳам ўз жойида қўллагани яхши.

Мавзу номида одатда қуйидагилар бўлади:

⊖ “тадқиқот бурчаги”. Ишнинг йўналиши;

⊖ тадқиқот объекти;



⊗ тадқиқот предмети (тадқиқот объекти ҳақидаги янги билим ва магистрантнинг ана шу билимни аниқлашга қаратилган иши бўлиб, у янги амал усули, ҳисоб-китоб модели, тадқиқот, ўрганиш ёки қуриш услуби, концепциясини ишлаб чиқишдан иборат бўлади);

⊗ диссертация ишининг диссертация натижалари тусини белгилайдиган малакавий нишони (магистрлик иши хусусий илмий муаммолар тадқиқига бағишлангани маъқул).

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИННИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИНИ АСОСЛАШ



Тадқиқотнинг объектли соҳаси фан ва амалиётнинг тадқиқот объекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда, масалан, математика, биология каби фан соҳаларининг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг объекти муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган соҳа.

Тадқиқотнинг предмети объектнинг муайян аниқ қисми бўлиб, ана шу қисм доирасида изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин. Тадқиқот предмети тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида тадқиқот объекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатида белгиланади.

Тадқиқот объекти ҳақидаги янги илмий билимларни олиш воситаси янгиликнинг муҳим белгиларига эга бўлса, восита ҳам тадқиқот предмети таркибига кириши мумкин.

Тадқиқот предмети магистрантнинг тадқиқот объектига қараш учун асос қилиб оладиган нуқтаи назаридир.

Тадқиқот объекти ва предмети ўзаро бир-бири билан умумий ва хусусий аспектда муносабатда бўлади. Тадқиқот предмети, одатда, тадқиқот объекти доирасида бўлади, яъни мавзу тадқиқот предметини тадқиқот объекти орқали

белгилайди, унинг ажралиб турувчи белгилари ажратиб кўрсатилади.

Диссертация ишининг тадқиқот натижалари тусини белгилайдиган малакавий белгилари.

1. Тадқиқот объектини белгилаш.

2. Тадқиқотнинг объектли соҳаси фан ва амалиётнинг тадқиқот объекти жойлашган соҳаси. Амалиётда, масалан, ҳар қандай фан соҳасининг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлади.

3. Тадқиқот объекти муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган соҳа.

4. Реал оламнинг магистр тадқиқот учун танлаган соҳаси тадқиқот объекти деб аталади.

5. Тадқиқот предметини белгилаш.

Тадқиқот предмети объектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг доирасида изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонлари тадқиқот предмети бўлади.

Тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида тадқиқот объекти ҳақида оладиган янги илмий билимлар тадқиқот предметини ифода этади.

Тадқиқот объекти ҳақидаги янги илмий билимларни олиш воситаси янгиликнинг муҳим белгиларига эга бўлса, бу восита ҳам тадқиқот предмети таркибига кириши мумкин.

Тадқиқот предмети магистрант тадқиқот объектига қараш учун асос қилиб оладиган нуқтаи назардир.

Ишнинг йўналиши (“тадқиқот бурчагини”) белгилаш.

Тадқиқотда “клишелашган” иборалар ва таянч-сўз бирикмалари: “вазифа ечими...”, “ишланма...”, “асослаш...”, “самарадорликнинг ошиши...”, “такомиллаштириш...”, “оптималлаштириш...” кабилар.

## Иш номининг ифодаланиши

Диссертация ишининг номи тадқиқотнинг объект соҳаси, объекти, предмети ва йўналиши асосида лўнда ва аниқ ифодаланади. Магистрлик диссертацияси учун белгиланган экспертлар ва оппонентларнинг диссертация натижаларининг ифодаси қандайлигини тадқиқотнинг номланишига қараб билиб олишга имконият яратиш керак. Диссертация номи шунга қараб ифодаланади.

Мавзунинг номланишида қуйидаги сўзлар ва сўз бирикмаларини ишлатмаслик керак: “... масалалари”, “ ... муаммолари”, “ ... тадқиқ қилиниши”, “ ... ўрганилиши” ва ҳоказо. Улар тадқиқот натижасини аниқ ифодамай олмайди. Бу сўз ва сўз бирикмаларида муаммонинг қай даражада ҳал қилинганлиги ёки ўрганиш, тадқиқотнинг нима билан тугаганлиги мавҳум бўлиб қолади.

## ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ



Мавзунинг долзарблигини асослаш тадқиқотни тайёрлашдаги энг масъулиятли босқич бўлиб, диссертациянинг долзарблиги асосланиши ва исботланиши керак.

Диссертация мавзусининг долзарблигида унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги, фанда олдинги назарий тасаввурлар доирасига сиғмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Мавзунинг долзарблиги магистрлик диссертацияси тадқиқоти сифатидаги тадқиқотга нисбатан асосий талабдир.

Тадқиқот долзарблигининг функционал тавсифи:  
фандаги бўш ўринларнинг тўлдириш;  
муаммонинг замонавий шарт-шароитларга нисбат бериб янада ривожлантириш;  
фикрлар бирлиги бўлмаган масаладаги фикрни олға суриш;  
тўпланган тажрибаларнинг умумлаштириш;  
катта масалага оид билимларни жамлаш ва айти бир вақтда олға суриш;  
бошқа илмий элитар вакиллари диққатини жалб этиш мақсадида янги муаммоларни кун тартибига қўйиш.

Долзарбликни асослаш орқали илмий билиш жараёнида мавзунини ўрганиш зарурияти изоҳланади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ. ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Магистр диссертациясининг композицион тузилиши анъанавий қабул қилинган расмийлаштириш мезонига амал қилади.

Диссертациянинг асосий

элементлари қуйидагича:

1. Титул варағи
2. Мундарижа
3. Кириш
4. Асосий қисм (уч боб)
5. Хулоса
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
7. Иловалар

Титул варағи ва мундарижа: Титул варағи диссертация ишининг биринчи саҳифаси бўлиб, қатъий белгиланган қоидалар бўйича тўлдирилади. Титул варағидан кейин мундарижа жойлаштирилади. Боблар ва параграфларнинг шу ерда кўрсатилган номлари, шунингдек, уларнинг изчиллиги диссертация матни ва диссертациянинг мантиқий схемасига мос бўлиши керак.

Магистрлик диссертациясининг Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг методологик аппарати ўз аксини топади. У ҳимояга тайёрланган диссертация ишининг кенг аннотацияси шаклида расмийлаштирилади. Кириш одатда диссертация умумий ҳажмининг 10-15% ни ташкил этади.

Кириш қисмида қуйидагилар мужассам бўлади:

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Диссертациянинг композицион тузилиши нуқтаи назаридан олганда, мавзу долзарблигининг асосланиши кириш қисмининг тахминан бир саҳифасини эгаллаши ва мавзуга нима учун айти дамда муурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, илмий ва амалий зарурият нимадан иборатлиги, тадқиқот предмети ҳақидаги замонавий илмий тасаввурларнинг қандай ҳолатда эканлиги изоҳланиши керак.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Бу магистрлик диссертациясининг стратегияси ва тактикасидир. Тадқиқот мақсади аниқ ва дўнда ифодаланиши лозим.

Тадқиқот вазифаларнинг санаб ўтилиши “имплицит” ҳолатда иш матнининг режаси ва ички мантиқий боғлиқликни очиб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси қисмида муаммонинг турли жиҳатлари билан шуғулланган мамлакатдаги ва чет эллардаги олимларни санаб ўтиш, етарли даражада ёритилмаган масалаларни қайд қилиш керак. Муаллиф мавзунини яхши ўзлаштирганлиги, илмий матнлар ва библиографик материал билан ишлаш услубини эгаллаганлигини намойиш этиши, ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг бу муаммо ечимига қўшган ҳиссасини тўғри баҳолай олишини исботлаши лозим.

Тадқиқотнинг илмий янгилигида тадқиқот жараёнида асосий хулоса сифатида олинган, тўғри қўйилган масаладан ва бу масалага жавоб берадиган тадқиқ этилган зарурий ва етарли ҳолатлардан мантиқан келиб чиқадиган янги фикрлар қисқача баён қилинади. Бу аниқланган янги факт, қўйилган вазифанинг асосли ечими, янги маълумотларнинг илмий муомалага олиб кирилиши, маълум фактнинг янги шароитлар учун тасдиқлашини ифодалайди.

Илмий янгиликни тадқиқот жараёнида олинган натижаларни маълум бўлган натижалар билан солиштириш орқали кўргазмали намоёниш этиш мумкин.

Тадқиқот объекти ва предмети ўзаро бир-бири билан умумий ва хусусий жиҳатдан ўзаро нисбатда бўлади. Объектда унинг тадқиқот предмети бўлиб хизмат қиладиган қисми ажратиб кўрсатилади. Диссертантнинг асосий эътибори айна шу нарсага қаратилади, айнан тадқиқот предмети диссертация ишининг титул варағида сарлавҳа сифатида ифодаланган мавзунинг белгилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидаги шаклларда ифодаланади:

Ишнинг тузилиши. Диссертация иши кириш, ... (сони) боб, ... (сони) параграфлар, шунингдек, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ...(сони) манбалар, ... (сони) иловалардан иборат эканлиги кўрсатилади.

Асосий қисм: Диссертация асосий қисмининг бобларида ўрганиладиган ҳодисалар ва фактлар батафсил кўриб чиқиб, таҳлил қилинади. Асосий қисм боблари ва параграфлари матнида сарлавҳалар имкони борича асосий сўзлардан иборат бўлиши керак. Сарлавҳалар аниқ, лўнда бўлиши ва параграф мазмунини аниқ акс эттириши керак.

Сарлавҳада сўзларнинг ўзгарилиши қабул қилинмайди. Бўлим номининг охирида нуқта қўйилмайди. Сарлавҳа бир неча сўзлардан иборат бўлса, нуқта билан ажратилади. Сарлавҳанинг ости махсус чизиқ билан чизилмайди.

Иллюстрациялар сиёҳ ёки қора рангли туш билан ажратилади. Расмнинг номи расмнинг тагида бўлади. Шарҳловчи ёзувлар расм остидан қўйилади. Расмлар “Расм” сўзи билан белгиланиб, араб ҳарфлари билан рақамланади.

Биринчи боб. Мавзунинг умумий илмий-назарий муаммолари, методологик принциплари каби вазифаларни



ҳал этиш назарияси ва амалиёти ҳолатининг таҳлили, маъқул бўладиган ечимларнинг кўниктирилиши эҳтимоли учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижалари мужассама бўлиб, илмий билишнинг “дедукция” методидан фойдаланиб, “умумий”дан “хусусий”га қараб илмий тадқиқот ўтказилади, яъни “хусусий” ҳолларнинг бутун бир туркумидан бу каби ҳолларнинг барчаси учун умумлаштирилган хулоса чиқарилади.

Иккинчи боб. Магистрлик диссертациясини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинган манба, асар, формула, тамойил, концепциянинг қисқача тавсифномасини берилади. Аслида нима юз берганлиги, нима учун бошқача эмас, айнан шундай бўлганлиги, қайси омиллар қандай таъсир этганлигини англашга ҳаракат қилинади.

Учинчи боб. Ўрганилган тизим ва ўтказилган таҳлил асосида қўйилган тадқиқот мақсадига мувофиқ, тегишлича схема бўйича ифодалаш билан тадқиқот объектини ривожлантиришнинг оқилона ва самарали йўллари таклиф этилиб, илмий асосланади ва самарадорлики белгиланади.

Бобда ўтказилган таҳлил асосида таклифлар ҳам асосланиши лозим. Асосий қисм қўйилган вазифаларга мувофиқ бўлиши керак. Ҳатто асосий қисмни қўйилган вазифалар сонига тенг параграфлар (кичик бўлимлар) сонига бўлиш ҳам мумкин.

Умумлашмалар, хулосаларни таҳлил, далилларни ишлаб чиқиш жараёнидан ажратиш амалда мумкин бўлмайди. Шунга қарамай, таҳлил билан умумлашма ажралиб туради. Бобнинг ҳар бир параграфи баён қилинган материал юзасидан умумлашмалар, боб юзасидан хулосалар билан яқунланиши лозим.

Диссертация иши ўтказилган тадқиқот натижаси акс эттириладиган хулоса билан яқунланади. Хулоса қўйилган

вазифаларга бевосита мос келиши керак. Агар мувофиқлик бўлмаса, кириш қисмига қайтиш ва вазифаларни қайтадан кўриб чиқиш лозим. Баъзан тадқиқот ишининг боблари ва параграфлари номини ўзгартиришга ҳам тўғри келади, лекин бу жараёнлар ишчи ҳолатда амалга оширилади.

Хулоса, одатда, умумий иш ҳажмининг 10-15% ни ташкил этади. Диссертация ишида унинг айрим боблари ҳам хулосалар ва таклифлар билан якунланиши мумкин, лекин уларнинг энг муҳимлари бутун ишнинг охирида “Хулоса” бўлимида акс этади.

Олинган натижа хулосалар сифатида ифодаланадиган вазифалар ечимидир. Хулоса ўтказилган тадқиқот мантиқи билан боғлиқ бўлган хотима ролини бажариб, асосий қисмда тўпланган илмий ахборотлар синтези шаклида бўлади. Бундай синтез олинган мулоҳазаларнинг изчил, мантиқий текис баёни, уларнинг кириш қисмида қўйилган ва ифодаланган умумий мақсад ва аниқ вазифалар билан ўзаро нисбати ҳосиласидир.

Диссертациянинг якунловчи қисми ўтказилган тадқиқотдан олинган натижаларнинг умумий кўрсаткичи эмас, балки уларнинг якуний “синтези”дир, яъни магистрнинг муаммони ўрганиш ва ҳал этишга киритган янгилик ифодасидир.

**Магистрант илмий ишининг натижалари қуйидаги мураккаб вазифаларни ўзида акс эттиради:**

- жамиятга номаълум бўлган илмий “феномен” баёни;
- келгусида вазиятларни башорат қилишга имкон берадиган қонуниятларга йўл очилиши;
- келгусидаги илмий вазиятларнинг башорати ўрганилган янги “феномен”нинг таърифи ва номланишининг ифодаси;
- “феномен”ларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш;

мавхумлаштириш асосида “феноменлар”ни таснифлаш ёки бир тизимга солиш;

янги феноменларни тадқиқ этишга имкон берадиган услубларни ишлаб чиқиш;

объект ҳақидаги билимлар пойдеворининг қурилиши;

сохта ғояларни инкор қилиш, шубҳа остида бўлган ғояларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати магистрантнинг мустақил ижодий ишидир. Рўйхатга киритилган ҳар бир адабий манба диссертация қўлёзмасида акс эттирилиши керак. Агар диссертацияда ўзлаштирилган қандайдир фактларни қайд қилинса ёки бошқа муаллифлар асарларидан парча келтирилса, келтирилган материалларнинг қаердан олинганлиги сатр остида кўрсатиб ўтилиши керак.

Диссертация матнида қайд қилинмаган ва амалда ишлатилмаган ишларни библиографик рўйхатга киритмаслик талаб этилади.

Адабиётлар рўйхатига энциклопедиялар, билдиргичлар, илмий-оммавий китоблар ва газеталарни киритиш ҳам тавсия қилинмайди. Бу каби нашрлардан фойдаланишга зарурият бўлса, уларни диссертация матнининг сатрлар остидаги кўчирмаларида кўрсатиш кифоя қилади.

Иловалар. Диссертация асосий қисми матнини “шишириб” юборадиган ёрдамчи ёки қўшимча материалларни ўз ичига олади.

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ



Магистрлик  
диссертациясига қўйиладиган  
умумий талаблар:  
тадқиқотни  
бажарилишининг тўлиқлиги;  
тақдим қилинган  
материалларнинг аниқлиги ва  
мантиқий кетма-кетлиги;

ишнинг натижаларини аниқлик принципида тўлиқ баён қилиш (мавзу мутахассисга тушунарли бўлиши учун илмий мактаблар ёки илмнинг бошқа соҳаларида қўлланадиган атама ва таянч-сўз ибораларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш);

формулалар, жадваллар ва матнлар қандай манбадан олинган бўлса, бу манбаларнинг номи келтириш.

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан яна бири унинг тўғри расмийлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, нафақат иш сифатини яхшилайти, шу билан бирга, унинг муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Қоидага кўра, магистрлик диссертацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади. Магистрлик диссертацияси илмий иш бўлгани учун унинг ёзилиши ва расмийлаштирилишига асосий талаблари номзодлик диссертациясига талабларига қисман мос келади.

⊗ Материалнинг аниқ ва изчил баён қилиниши диссертацияни ёзишнинг асосий тамойилидир.

⊗ Янги фикрни бошлайдиган иборалар хат бошидан ёзилади.

⦿ Матннинг тугалланмаган қисмини бошқа саҳифага ўтказишга йўл қўйилмайди.

⦿ Матнда бошқа манбалардан олинган материаллар ишлатилса, кўчирмачиликда айбланмаслик учун матнда манбани қайд қилиш керак.

⦿ Кўчирмалар саҳифа тагида хат боши билан ёки қизил сатр билан терилади. Агар бир неча манба қайд қилинса, изчил тартибда рақамланади.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми компьютерда 1,5 интервал билан терилган, оқ қоғозга (А4, 210-297 мм) туширилган 60 дан 80 саҳифагача (камида 10000 сўз) бўлиши керак.

Диссертация тадқиқотининг матни ҳошиялари ўлчамлари: юқориси – 20 мм, пасткиси – 20 мм, ўнгдан – 10 мм, чапдан – 25 мм.

Саҳифанинг тартиб рақами юқоридаги ўнг бурчакда қўйилади.

Магистрлик диссертацияси стандартларга мувофиқ келадиган босмаҳона усулида муқоваланган бўлиши керак.

Магистрлик диссертациясининг боб ва параграфлари номларининг расмийлаштириш қоидалари:

Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби янги саҳифадан бошлаб ёзилади.

Боб номидан кейин параграфнинг сарлавҳаси қўйилади.

Боб ёки сарлавҳаларнинг номи асосий матндан қўшимча интервал билан ажратиб ёзилади.

Боблар ва параграфлар номлари хатбошисидан ёзилади, сатр охирида нуқта қўйилмайди ёки матн остига чизиб, таъкидланмайди ва бошқа бетга кўчирилмайди. Агар мавзу номланиши икки ёки ундан кўпроқ сўзлардан иборат бўлса, улар ўртасига нуқта қўйиб ёзилади.

Боб номи билан матн ўртасидаги интервал 15 мм бўлиши керак. Боб билан параграф номлари ўртасидаги интервал 8 мм бўлади.

Параграфлар арабча рақамлар билан рақамланади.

Параграф рақами олдидан боб рақами ёзилади, сўнгра параграф рақами ва номи қўйилади.

Рақамлар охирида нуқта қўйилмайди

Титул варағини расмийлаштириш қоидалари:

диссертация мавзуси, номи шрифт 16;

муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи – шрифт 14; • малака – шрифт 14.

Диссертация иши мавзусининг номи, магистрантнинг фамилияси, исми, отасининг исми, “магистрлик диссертацияси” ибораси ва йил катта ҳарфлар билан ёзилади.

Шрифтни танлашда фақат “Times New Roman” ёки “Arial” шрифтларидан фойдаланиш мақбулдир.

Матндаги қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштирилган парчаларни расмийлаштириш:

Ишнинг баёни жараёнида магистрант мазмун шартларига мувофиқ жойлаштирилган жадваллар, расмлар, мисоллар, схемалар, формулалар ва бошқа элементларни қайд қилиб ўтиши мумкин. Улар матн билан ёнма-ён қўйилмаслиги, бошқа манбалардан ўзлаштирилган маълумотлар саҳифа остида изоҳ тарзида кўрсатилиши шарт.

Изоҳ асосий матндан узун чизиқ билан ажратилади ва арабча 1'2'3 рақамлари билан рақамланади ёки \*\*\* каби юлдузчалар билан қайд қилинади.

Диссертация матнида бошқа муаллифлар аниқлаган фактларни қайд қилиш ёки ўзлаштирилган материалларни матнга киритишга тўғри келади. Ўзлаштирилган парчаларни баён ичида расмийлаштириш шакллари хилма хил, лекин нутқдаги академик этикет бир қатор барқарор нутқ

штампларини ишлаб чиққанки, улар ўзлаштирилган материал манбаини аниқ ва қисқа кўрсатишга ёрдам беради.

Бошқа манбалардан олинган барча материалларни изоҳда кўрсатиш керак. (Қаранг: Бу ҳақда қаранг: Маълумот учун:)

Статистик материаллар, таҳлилий ва ишчи жадвалларини расмийлаштириш:

Магистрлик диссертациясида статистик материаллар, таҳлилий ва ишчи жадваллар, ижтимоий сўровномалар, экспертиза қайдномалари, анкеталар берилади.

Статистик материаллар матнда баён қилинган ахборотни қайд қилиш учун ишлатилса, таҳлилий жадваллар умумлаштирувчи хулоса ва изоҳ талаб этади. Маълумотлари илгари матбуотда эълон қилинган жадваллардан фойдаланишда ўзлаштирилган материалнинг айна қайси манбада келтирилганлиги изоҳда кўрсатилиши керак.

Матнда хорижий тиллардаги таклифлар, қўшимчалар ёки сўзлар мавжуд бўлса, тўлиқ ёзилади. Ишлатилган графиклар, схемалар, диаграммалар, расмлар расм остидаги ёзув билан тўлдирилади. Тақдим этилган жадвал жуда катта бўлса, навбатдаги саҳифага кўчирилади. Жадвал сарлавҳаси такрор ёзилмайди, ўнгдаги юқори бурчагида “Жадвалнинг давоми” деган ёзувда берилади.

Жадвал номи фақат биринчи қисмида ёзилади. Жадвал сарлавҳаси навбатдаги саҳифада ҳам такрорланади ва рақамланади. Агар жадвалда келтирилган сонлар бир хилдаги кўрсаткичга эга бўлса, белги жадвалнинг ўнгдаги юқори бурчагида қўйилади,

Жадвалдан кейин таҳлил берилади. Ишда келтирилган формулалар алоҳида сатрдан ёзилади ва ўнг томонидан қавс ичида арабча рақамлар билан рақамланади. Формуланинг пастида “бу ерда” деган сўз билан бошланадиган белгилар

ифодаси ёзилади. Схемалар ва графиклар арабча рақамлар билан ифодаланади. Қўшимча тусдаги расмлар, схемалар ва графиклар иловада келтирилади. Ҳар бир илова янги саҳифадан бошланади ва 1-илова, 2- илова ва шу каби тарзда ифодаланади. Сўнг илова ёзилади. Иловалар А, Б, В,... ҳарфлари билан ифодаланади.



## ИЛОВАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ



Илова диссертация охирида берилган библиографик изоҳдан кейин акс эттирилади.

Илованинг ҳажми диссертация умумий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги лозим.

Диссертациянинг ҳажми. Магистрли диссертациясининг умумий ҳажми титул варағи, мундарижа, адабиётлар рўйхати

ва иловалардан ташқари 80 бетдан ошмаслиги лозим.

Диссертация талаба ўқиган тилда ёзилади.

Диссертацияда профессионал этика қоидалари бузилишига йўл қўйилмайди. Хорижий тилда бажарилган диссертацияга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда дастлабки ва расмий ҳимоялар таржима билан ўтказилади.

Ахборот манбалари жадваллар ва суратлар остида кўрсатилади, варақларда саҳифа рақами қўйилмайди.

Фойдаланилган манбаларни кўрсатиш қоидалари:

Магистрлик диссертациясида фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати ишнинг охирида жойлаштирилади.

Адабиётлар қуйидаги изчилликда жойлаштирилади:

- қонунлар, меъёрий-услубий ҳужжатлар ва материаллар;

- мамлакат ва чет элларда босилган илмий адабиётлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар, илмий брошюралар ва ҳоказо);

- статистик, йўриқномавий материаллар ва ташкилотлар ва корхоналар ҳисоботлари;

- интернет ахборот ресурслари.

Ҳар бир бошланғич манба бўйича қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллифнинг фамилияси, сўнгра унинг исми-шарифи;

- китоб номи;

- шаҳар номи;

- нашриёт номи;

- босилган йили.

- китобнинг ҳажми, бети

Китоб муаллифи уч ва ундан ортиқ бўлса, аввал муаллифнинг фамилияси, исми-шарифини кўрсатиб, сўнгра “ва бошқалар” деб қўйилади.

Диққат қилинг: Шаҳарлар номлари қисқартирилмасдан бош келишида ёзилади. Аввал Москва, Ленинград, Санкт-Петербург ва Тошкент каби шаҳарлар номларини қисқартириб ёзиш мумкин эди. Ҳозирги талаб бўйича: Москва – М: Ленинград – Л: Санкт-Петербург – СП: Тошкент – Т: деб қисқартириб ёзилмайди.

Китоб икки шаҳарда босилган бўлса, иккала шаҳар номи ҳам ёзилади, масалан, “Тошкент – Самарқанд”.

Китобни икки нашриёт чиқарган бўлса, ҳар иккала нашриёт номи ёзилади, масалан: Тошкент: “Фан” – Маънавият”.

Даврий матбуот ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи;

- мақола номи;

- журнал ёки газета номи;

- серия номи;

- журнал ёки газета босилган йили;

- журнал ёки газета жилди ва рақами;
- саҳифа рақами.

Тадқиқот юзасидан олинган натижалар жамланган ҳисоботни баён қилишда қуйидагилар кўрсатилади:

ҳисобот номи (сўнгра, қавс ичида “ҳисобот” деб ёзилади);

ҳисоботни чиқарган ташкилотнинг шифри, инвентар рақами, номи, илмий раҳбарнинг фамилияси, исми-шарифи, ҳисобот чиқарилган жойи, йили ва саҳифалар сони.

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ҲИМОЯГА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ



Магистрлар магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишдан аввал қуйидаги саволларга жавоб бериши мақсадга мувофиқ:

☞ Тадқиқотни ўтказишда билим ва кўникмалар орттирдингизми?

☞ Илмий тадқиқот ҳимояси учун илмий база ва ресурслар етарлими?

☞ Тадқиқотга доир “теша тегмаган” маълумотлар топдингизми?

☞ Мавзу номи тадқиқотнинг асл моҳиятини тўлиқ акс эттирадими?

☞ Методологияни тасвирлаб ва асослаб бера олдингизми?

☞ Тадқиқотнинг аҳамияти ва мақсадини эркин тушунтириб бера оласизми?

☞ Ишингизда антиплагиат муаммоси қанча?

☞ Иқтибосларни тўғри қўя олдингизми?

☞ Имло ва грамматик хатолар йўқми?

Юқорида келтирилган саволларга жавоб ижобий бўлса, диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилишга катта йўл очилади.

Диссертацияни техник расмийлаштириш иши тугалланганидан кейин магистрант магистратурадаги таълим олишнинг охириги ва ҳал қилувчи босқичи магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрланади.

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИННИГ ОММАВИЙ ҲИМОЯСINI ЎТКАЗИШ РУСУМ-ҚОИДАЛАРИ



Магистрлик диссертациясининг ҳимояси илмий мунозара усулида оммавий шаклда ўтади. Ҳимоя юксак талабчанлик, принципааллик ва илмий этикага риоя қилиш вазиятида

ташқил этилади.

Магистрлик диссертацияси ҳимояси пайтида Давлат аттестация Комиссияси раиси диссертация номини, муаллифнинг фамилияси, исми-шарифини эълон қилади, ишда зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот беради. Магистрантнинг “таълимий ва илмий таржимаи ҳоли”, фанларни ўзлаштириши, ўқиш давомида эълон қилинган мақолаларнинг қисқача тавсифини таъкидлаб ўтади.

Сўз магистрантнинг илмий раҳбарига берилади. Илмий раҳбар нутқида магистрантнинг диссертация устида олиб борган ишга муносабатини очиб беради. Аттестация комиссияси, илмий раҳбарнинг берган саволлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Бу жараёнда ҳимоя билан боғлиқ ҳужжатлар ва материаллар расмийлаштирилади.

Муаллифлик аннотацияси.

Тақризлар ва баҳолар.

Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишга кафедра мудирининг рухсатини олиш.

10-15 минутлик маъруза тайёрлаш.

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарнинг тақризи ва оппонентнинг ташқи тақризи берилади.

Илмий раҳбар ва оппонентнинг тақризларида бир қатор масалаларнинг мажбурий тартибда ёритилиши назарда тутилади.

Илмий раҳбар тақризининг мазмуни:

Диссертация мавзусининг долзарблиги.

Магистрлик диссертацияси мавзуси магистрантнинг асосий иши билан боғлиқлиги даражаси.

Муаллифнинг магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаларини ёритиши даражаси.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги.

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг асосланганлиги.

Тадқиқотчининг илмий таҳлил қилиш қобилиятининг қисқача тавсифномаси.

Магистрант хулосалари ва тавсияларининг сифати.

Диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги.

## ТАҚРИЗЛАР ВА БАҲОЛАР



### Магистрлик

диссертациясига ички ва ташқи тақриз олиш мажбурий бўлиб, оппонентликка диссертация тадқиқоти бажарилган илм соҳаси мутахассислари орасидан энг муносиби тайинланади.

Оппонент тақриз қилинаётган диссертациянинг моҳияти ва асосий қоидаларининг малакали таҳлилини ўтказиши, шунингдек, танланган мавзунинг долзарблиги, унинг очиб берилишига ёндашувнинг мустақиллиги, ўзининг нуқтаи назари борлиги, илмий тадқиқ қилиш услубларидан фойдаланиш маҳорати, хулосалар ва тавсияларнинг аниқлиги даражаси, олинган натижаларнинг ишончлилиги, янгилиги, назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаши керак.

Ишнинг ижобий томонлари билан бирга, камчиликлари, жумладан, фактик хатолари ҳам қайд қилинади. Тақриз ҳажми, одатда, компьютерда терилган икки саҳифадан беш саҳифагача матндан иборат бўлади.

**Оппонент тақризининг кетма-кетлиги қуйидагича расмийлаштирилади:**

1. Диссертация мавзусининг долзарблигини текшириш.
2. Диссертация тадқиқотининг илмий янгилигини ўрганиш.
3. Тайёрланган диссертациянинг амалиёт учун аҳамиятини кўрсатиш.
4. Магистрлик диссертацияси мазмуни ва фикр муштараклигини баҳолаш.

5. Материални баён қилиш услуби ва тилини таҳлил қилиш.

6. Ўтказилган тадқиқотнинг илмий ва амалий қимматини аниқлаш.

7. Диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини синтезлаш.

8. Ишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда ишдаги хатолар ва камчиликларни ҳам қайд қилиш.

Сўзни илмий ишини ҳимоя қилиш ва тадқиқот натижаларини маълум қилиш учун магистрантга берилади. Маъруза учун 15 минутгача вақт белгиланади.

Магистрантнинг нутқи матнининг мазмуни, нутқнинг ўзи ҳам ҳимоянинг муваффақиятли ўтишини олдиндан белгилаб беради. Магистрант нутқини олдиндан тайёрлаган маърузаси асосида имкони борича ёддан айтади.

Магистрант нутқи аниқ, сўз тузилиши қоидаларига мувофиқ, тўғри, тушунарли ва ифодали бўлиши, мавзу юзасидан берилган саволларга ишонч билан, илмий далиллар асосида жавоб бериши, эркин нутқ қоидаларига амал қилиши талаб этилади.

Маъруза тадқиқотнинг методологик базаси, қўйилган вазифаларнинг натижалари ва диссертация мавзуси бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Магистрант асосий диққат-эътиборини ўтказилган тадқиқотнинг асосий яқунлари, ўзи шахсан ишлаб чиққан янгиликлар ва амалий қоидаларга қаратади. Зарур бўлганида тайёрланган слайдлар, жадваллар ва графиклар намойиш этилади.



## НАМОЙИШ (ДЕМОНСТРАЦИЯ) МАТЕРИАЛЛАРИ



Магистрлик диссертациси ҳимояси учун тайёрланган демонстрацион материаллар ишнинг назарий, аналитик ва ҳисобот қисмини давлат комиссиясига кўрсатиш мақсадида ишлатилади.

Демонстрацион материалларнинг умумий ҳажми А2 форматдаги 5-7 бетни ташкил қилади (унинг сони ва таркибини ишнинг раҳбари белгилайди).

Ҳисоботларни информацион технология воситаларидан фойдаланган ҳолда презентациялар кўринишида тақдим қилиш мақсадга мувофиқ.

Слайдлар таркибининг намунавий кўриниши:

1. Мавзу номи ва магистрантнинг исми ва фамилияси муаллифнинг исми.
2. Тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.
3. Диссертациянинг бўлим (боб)лари бўйича слайдлар;
4. Умумий хулосалар;
5. Эътибор учун ташаккур билдириш
6. Слайдларнинг стили (барча слайлар учун бир хил бўлиши керак)ни яратиш;
7. Слайдлар таркибига фигуралар кўринишидаги расмлар, органиграммалар, графиклар, формулалар ва жадваллар киритиш.

Диссертация ҳимояси муҳим ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб, айрим магистрлар хулқ-атворнинг элементар қоидаларига ҳам риоя қилмайдилар. Илмий фаолиятда

коммуникациянинг ўрни ҳақида унутмаслик керак. Масалан, магистрларнинг ҳимоя процессида матнни бошидан охиригача бошини кўтармай қоғоздан ўқиш, ҳисоботни комиссия аъзоларига орқасини ўгирган ҳолда олиб бориши уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ахлоқий маданияти пастлигидан дарак беради.

Ҳимоя вақтида магистрант ўзи учун қулай атмосферани яратиши, сўзга чиққанида комиссия аъзоларига тескари ўгирилмай, уларнинг кўзларига дам ба дам қараб (намойиш материалларини ҳам назардан қочирмай) мулоқот олиб бориши, демонстрацион материалларга қайси томондан қараб туриш лозимлигини олдиндин режалаштириши керак.

Магистрант тадқиқот юзасидан берилган саволларга жавоб бераётганда (намойиш материалларини кўрсатиш мақсадида бўлса ҳам) комиссия аъзоларига тескари қарамаслиги шарт.

Магистрант унга берилган саволнинг мазмунини тушунган бўлса, савол бераётган кишини бўлмаслик керак. Жавоб бериш учун биро кутиш ва ҳурмат билан пухта гапириш керак.

Ҳимоя савол жавоб шаклида ўтиб, савол берган шахс олган жавоби билан қониқиши лозим. Агар савол узун бўлса, изланувчининг яхшироқ жавоб тайёрлаши учун қулай вазият туғилади.

Тадқиқот натижалари бўйича саволларга жавоб беришда қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини қўллаш лозим:

“Маълумки”, “Маълумотларга таянган ҳолда далиллаш ўринли”, “Фикримизча”, “Таъкидлаш ўринли”, “Шунга кўра”, “шу асосда”, “юқоридагилардан келиб чиқадикки”, “таъкидлаш жоизки”, “юқорида таъкидланганга мувофиқ” ва ҳоказо.

Магистрант қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини қўлламаслиги тавсия этилади: “Менинг аниқ ҳисобимга

кўра”, “менинг кузатишларимга кўра”, “мен барча далиллар билан исботладимки”, “Ишончим комилки”, “Ҳеч бир шубҳа йўқки”, “шубҳа қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ” ва бошқалардир.

Магистрантнинг нутқидан кейин раислик қилувчи бажарилган диссертацияга расмий оппонент тақризини ўқиб беради. Оппонент билдирган фикр-мулоҳазаларга жавоб бериши ва оппонентнинг хулосалари ҳамда тавсиялари юзасидан раддиясини баён қилиши учун магистрантга сўз беради.

Этиканинг ёзилмаган (хулқ-атворнинг кўп йиллар давомида шаклланган) қоидалари тақозо этадики, магистрант тақризчи ёки оппонент билдирган мулоҳазаларга ўз фикрини айтиши учун имконият бериш, уни ўзидан паст қўймаслик лозим, ҳаттоки агар магистр бу соҳа бўйича ягона мутахассис бўлса ҳам.

## МУҲОКАМА ВА ИЛМИЙ МУНОЗАРА ЖАРАЁНИ



Давлат аттестация комиссияси аъзолари диссертацияда кўтарилган муаммолар, тадқиқот услублари бўйича ҳар қандай саволларни бериши, тадқиқ этиш тартиб-қоидаларини ва

тадқиқот натижаларини аниқлаштириши мумкин.

Саволлар ҳамда жавоблар фақат иш моҳиятига тегишли бўлиши лозим. Магистрант эришган илмий натижаларини баҳолашда камтаринлик ва Давлат аттестация комиссияси аъзоларига нисбатан эҳтиромли муносабатда бўлиши, тадқиқот юзасидан берилган саволларга жавоб қайтаришдан олдин саволни диққат билан тинглаши ва зарур бўлганида саволларни ёзиб олиши керак. Ҳар бир берилаётган саволга имкони борича изчиллик билан жавоб қайтарилиши лозим. Магистрант саволни охиригача эшитиб бўлгач, жавоб бериши қоидага мувофиқ. Саволни эшитмасдан, бирданига жавоб бериш магистрантнинг илмий салоҳиятини пасайтиради, унга бўлган ишонч йўқолади.

Мунозара тугаганидан сўнг магистрантга яқунловчи сўз берилади. Давлат аттестация комиссияси аъзоларининг ёпиқ мажлисида ҳимояга яқун ясалади. Яқуний қарор комиссия аъзолари овозларининг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганида раиснинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Сўнгра раис мажлис аъзоларига диссертациясини ҳимоя қилган тадқиқотчиларга магистрлик академик даражасига лойиқлигини айтиб, комиссия мажлисини “ёпиқ” деб эълон қилади.

## ХУЛОСА



Инсон ижодий фаолияти ичида ўзига хос ўринга эга бўлган илмий тадқиқот қадимги даврлардан то бугунги кунгача жамиятга, давлатга ва алоҳида ҳар бир кишига хизмат қилиб келди. Инсонни ўраб турган нарсалар инсон илмий фаолияти, ижодкорлигининг амалий шакли сифатида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият, технологиялар ишлаб чиқариш жараёни орқали моддий бойликларда мужассам бўлган ақлий фаолият маҳсулидир.

Илмий тадқиқот жамият ва инсон ҳаёти, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг барча соҳалари билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига хилма-хил ёндашув орқали илмий ечимлар топилган тақдирда маънавий янги маъно ва мазмун билан бойийди.

Илмий сферада яратилаётган ҳар бир янгилик, кашфиёт давлат ва жамият, шахс фикр ва дунёқараши, маънавияти шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади ҳам олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат.

Инсониятни ташвишга солаётган умумбашарий муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўли, илм-фан, интеллектуал салоҳият, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришдир.

Умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш асосида инсоният эришган умуммаданият, дунёқараш ётади. Бу эса ҳар бир тадқиқотчининг ўз даврининг маданияти, дунёқараши, ахлоқи, интеллектуал мероси, ахборот технологиялари ҳамда амонавий билимларга эга бўлган тақдирдагина инсоният тараққиётига хизмат қилувчи инновацион ғояларни ярата олади.

## ГЛОССАРИЙ



**Адаптация** – акс эттиришнинг алоҳида шакли, ички ва ташқи муҳит ўртасида динамик мувозанат ўрнатувчи жараён

**Башорат** (илмий) – илмий билимнинг ривожланишини объектив, теран ва ҳар томонлама таҳлилдан ўтказишга

асосланган фаннинг келажаги, илмий ёки техникавий кашфиёт ҳақидаги ахборот

**Верификация** – эмпирик маълумотлар ёки назарий қоидалар асосида илмий гипотезанинг ҳаққонийлигини аниқлаш мантиқий-методологик жараёни

**Гипотеза** – шартли-қатъий ақлий хулоса чиқариш схемаси бўйича мантиқан таърифланадиган илмий хулоса бўлиб, фараз тасдиқланиши ёки инкор этилиши шарт

**Диссертация** – муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида махсус тайёрланган, оммавий муҳокамага ва ҳимояга қўйиладиган асар

**Дедукция** – умумийдан келиб чиқиб, хусусий ҳодиса тўғрисида хулоса чиқариш услуби

**Идеаллаштириш** – реал нарсалар хоссасини ўзгартириш орқали идеал объектларни ҳосил қилишнинг ақлий (хаёлий) жараёни, билимларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятини очиб берувчи илмий метод, фикрий конструкция

**Ижод** – янгилик яратиш бўйича конструктив фаолият

**Изоҳ** – фаннинг энг муҳим функцияси, нарса, ҳодиса ва воқеаларга оид фактларни муайян умумий хулосалар (қонунлар, назариялар, принциплар) остида жамлаш

**Илмий ҳисобот** – илмий ҳужжат, услубиёт, тадқиқот (илмий ишланма), натижанинг батафсил баёни, илмий-тадқиқот ёки тажриба-конструкторлик ишлари натижасида олинган хулосалар мажмуи

**Интуиция** – ақлий мушоҳада юритиш орқали далил-исботларга таянмайдиган янги билим олиш

**Индукция** – мантиқий хулосалар хусусийдан умумийга, хусусий фактлар, қоидалардан умумий хулосаларга ўтиш, умумлаштириш услуби

**Интерпретация** – талқин қилиш, бирон-бир нарсанинг мазмунини очиб бериш, тушунча, матн, илмий асарни тушунтириш

**Интеллект** – шахснинг янги билим ва кўникмаларни тез ва осон ўзлаштириш, ностандарт вазиятдан чиқиш йўлини топиш ва бошқа шунга ўхшаш қобилиятларида ўз аксини топадиган билиш қобилиятлари тизими

**Илмий метод** – илмий билимни муттасил ўстиришга йўналтирилган инсон билишининг объектив жараёнлари, қонунлари ва тенденциялари инъикоси

**Илмий муаммо** – илмий изланиш асосида ҳал қилишни талаб этувчи мураккаб назарий масала

**Илмий билиш методлари** – объектни ўрганишга қаратилган изчил усул ва қоидалар

**Илмий факт** – воқеа ёки ҳодиса, хулоса ёки тасдиқлаш учун асос, илмий билимнинг муҳим элементи

**Кузатиш** – маълум объектни мунтазам бирон мақсад йўлида ўрганиш ёки очиш билан амалга ошириладиган билиш усули

**Методика** – муайян тадқиқотни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш усуллари мажмуи

**Методология** – илмий тадқиқотда фойдаланиладиган методлар мажмуи; олимнинг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш ва тузиш усуллари ҳақидаги таълимот



**Метод** – бирор нарсага олиб борадиган йўл, билимга эришиш усули, олимнинг маълум тарзда тартибга солинган, онгли ва изчил фаолияти

**Моделлаштириш** – тадқиқот объектининг асосий хоссалари сунъий системада ўрганиш усули

**Назария** (илмий) – воқеликнинг у ёки бу соҳасидаги қонуниятлар ҳақида яхлит тасаввур берувчи илмий билимни ташкил этиш шакли.

**Парадигма** – илмий вазифаларни ҳал қилишда намуна сифатида олинган назарий, методологик ва аксиологик кўрсатмалар тизими.

**Синтез** – объектни яхлит, бир бутун сифатида қисмларининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги асосида ўрганиш.

**Тадқиқ этиш, ўрганиш** – объектнинг ҳолати, хосса ва хусусиятлари, функциялари, тузилмасини инструментал ёки моделлаштириш асосида ўрганиш

**Тадқиқот объекти** – муаммоли вазиятда ўрганиш учун танланган, табиий ёки сунъий тизим, жараён ёки ҳодиса

**Тадқиқот предмети** – кўриб чиқиладиган тадқиқот объекти чегарасида жойлашган барча нарсалар

**Тадқиқот технологияси** – тадқиқот усулларининг бир тизимли мажмуи, тадқиқот услублари, усуллари, техникаларини қўлланиш ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш қоидалари тизими

**Тадқиқот услуби** – мавжуд билимларни қўллаб янги билим, илмий факт олиш воситаси

**Тадқиқот йўналиши** – тадқиқотнинг барқарор шаклланган илмий фанлардан бирининг муайян муаммолари жамланган соҳа

**Тажриба иши** – эркин ўрганиладиган объектга аввалдан ўйланган ўзгартиришларни киритиш услуби

**Таснифлаш** – ўрганиладиган объект ва фактларни тадқиқ этишнинг назарий услуби, воқеа-ҳодисаларни иерархик тартибга солиш йўли.

**Таҳлил** – маълумотларни умумлаштирилиши, қиёсланиши, таҳлил этилиши, талқин қилиниши

**Фан** – инсон фаолияти соҳаси бўлиб, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий томондан тизимлаштириш

**Эмпирик** тадқиқот методлари – кузатиш, қиёслаш, ҳисоблаш, ўлчаш ва эксперимент

**Эксперимент** – аниқ белгиланган шароитда бирор ҳодисани аниқ мақсад йўлида ўрганиш учун қўйилган тажриба

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.

2. Болдин, А.П., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.

3. Добренёв В., Осипова Н. Методология и методы научной работы. Москва: КДУ, 2012. – 230 с.

4. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.

5. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.

6. Кудрявцев В.Н. Свобода научного творчества // Государство и права. – Москва: 2005, №5. – С. 22-28.

7. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — Москва: КНОРУС, 2020. – 210 с.

8. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод буюк келажакнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётининг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 64 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

14. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. Москва: Либроком, 2015. – 200 с.

15. Очиллов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.

16. Рузавин Г.И. Методология научного исследования. – Москва: Прогресс, 1999. – С. 214-215.

17. Сабитов Р.А. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. Челябинск, 2020. – 160 с.

18. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2019. – 132 б.

19. Саифназаров И., Никитченко Г., Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.

20. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition. 3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition. 4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York. 5.

21. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.

22. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. Дарслик. – Тошкент: Фан ва технология, 2021. – 512 б.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 64 б.

## **Интернет ресурслари:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru)
3. <http://www.intencia.ru>
4. <http://www.anthropologu.ru>
5. <http://www.ido.rudn.ru>
6. <http://www.filosofia.ru>
7. <http://www.falsafa.dc.uz>
8. <http://www.phenomen.ru>
9. <http://www.lib.ru/filosof>.
10. <http://www.filam.ru/sait.phg>.

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	.....
Магистрлик диссертацияси ҳақида умумий тушунча .....	.....
Илмий тадқиқот мавзусини танлаш қоидалари .....	.....
Мавзу танлаш усуллари .....	.....
Фараз – магистрлик диссертациясининг тадқиқот усули .....	.....
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари .....	.....
Мавзу танлаш – диссертация тадқиқоти устидаги ишнинг илк босқичи .....	.....
Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаш .....	.....
Магистрлик диссертациясининг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предметини асослаш .....	.....
Тадқиқотнинг долзарблигини белгилаш ва асослаш .....	.....
Диссертациянинг тузилиши ва расмийлаштириш талаблари	
Диссертация ҳимоясини ташкил этиш .....	.....
Магистрлик диссертациясини ёзиш ва расмийлаштириш қоидалари .....	.....
Иловаларни расмийлаштириш қоидалари .....	.....
Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш тартиби ва ҳимоя қилиш .....	.....
Магистрлик диссертациясининг оммавий ҳимоясини ўтказиш русум-қоидалари .....	.....
Тақризлар ва баҳолар .....	.....
Намойиш (демонстрация) материаллари .....	.....
Муҳокама ва илмий мунозара жараёни .....	.....
Хулоса .....	.....
Глоссарий .....	.....
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	.....

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**



**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ  
ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**2023**